

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВ АКОБИРХОН ИБОДУЛЛО ЎҒЛИ

**ДОРИВОР КЎЗ ПЛЁНКАЛАРИ: ОЛИНИШИ, ТУЗИЛИШИ,
ХУСУСИЯТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.05 – Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шукуров Ақобирхон Ибодулло ўғли

Доривор кўз плёнқалари: олиниши, тузилиши, хусусияти ва ишлаб
чиқариш технологияси..... 3

Шукуров Ақобирхон Ибодулло угли

Глазные лекарственные плёнки: синтез, структура, свойства и
технология производства..... 21

Shukurov Akobirkhon Ibodullo o`g`li

Eye drug films: synthesis, structure, properties and production
technology..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published..... 42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВ АКОБИРХОН ИБОДУЛЛО ЎҒЛИ

**ДОРИВОР КЎЗ ПЛЁНКАЛАРИ: ОЛИНИШИ, ТУЗИЛИШИ,
ХУСУСИЯТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.05 – Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1506 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саримсоқов Абдушкур Абдухалилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Мирзохидов Хайрулла Абдуллаевич
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б уй. Тел.:(+99871) 241-85-94, факс: (+99871) 241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б уй. Тел.:(+99871)241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

С.Ш.Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

М.М.Усманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

В.О.Кудишкин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси муовини, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кўз инфекция-яллиғланиш касалликлари орасида вирус этиологияли кератитлар алоҳида аҳамиятга эга. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра ер юзининг 80-90 % аҳолиси герпес вирусининг бир ёки бир нечта тури билан зарарланган ва кўзнинг ушбу вирус билан касалланиши энг кўп учрайди ҳамда барча офтальмологик касалликларнинг 62% ни ташкил этади. Бугунги кунда кўзнинг вирусли касалликларини даволашни такомиллаштириш, янги авлод дори воситаларини яратиш кимёгарлар, фармакологлар ва тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолар ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда нафақат янги дори воситаларини яратиш, балки маълум биологик фаол моддаларнинг такомиллашган турлари ва ушбу дори воситаларининг қўлланилиш усуллари, организмда мавжуд бўлишини ва таъсир этиш давомийлигини бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замонавий тиббиётда дори воситаси таъсирини узайтирувчи ва алоҳида ҳолатларда ноёб бўлган полимер биоэрувчи плёнкалар кўринишидаги дори воситалари кенг тарқалмоқда. Офтальмологияда дори воситасининг тез-тез инстилляция қилиш заруратини камайтириш, кўз билан дори воситаси контактланиш вақтини узайтириш ва дори воситасининг таъсир муддатини узайтириш мақсадида полимер таркибли биоэрувчан кўз доривор плёнкаларини яратиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда маҳаллий хом ашёлар асосида янги дори воситалар яратишни ривожлантиришда илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, полимер таркибли янги дори шакллари яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹, 2030 – йилгача бўлган илм-фанни ривожлантириш концепциясида² «...фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, кўз вирусли касалликларини даволаш учун вирусларга қарши таъсир этувчи биологик фаол модда тутган, дори воситасини доимий қўлланилишини ва ортиқча сарфини камайтирувчи, шунингдек таъсир этиш муддати узайтирилган, терапевтик дозанинг доимийлиги таъминладиган ва ножўя таъсирлари чекладидиган полимер таркибли кўз доривор плёнкаларини яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29октябрдаги ПФ-4947-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони.

14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ҳамда VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида таркибида биологик фаол модда сақловчи, таъсир муддати узайтирилган ва маълум муҳитда эриш хусусиятига эга плёнка кўринишидаги янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий изланишлар жадал олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчилиги турли полимерлар асосида томчи, гел ва инъекция шаклидаги дори воситаларини олиш ҳамда уларнинг офтальмология амалиётида қўлланилишига бағишланган. Кўз касалликларида қўлланиладиган полимер таркибли дори воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича олиб борилган илмий йўналишларни ривожлантиришга J.A.Schulman, G.A.Peyman, H.Kimura, M.Hashizoe, R.Langer, Ю.Ф.Майчук, Г.А.Азаматова, Г.Я.Гайсина, М.Т.Азнабаев ва бир қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган. Кўз касалликларида қўлланиладиган томчи, эмулсия, гидрогель, инъекция кўринишидаги дори воситаларида биологик фаол модданинг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш соҳасига В.D.Kuppermann, J.A.Haller, G.A.Williams, C.Chou, H.Almeida, P.Lobao, C.Frigerio, Л.А.Бадикова, Р.Х.Мударисова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Республикада мазкур йўналиш ривожига С.Ш.Рашидова, Г.Р.Рахмонбердиев, А.С.Тўраев, А.А.Саримсоқов, Ҳ.Э.Юнусов, Э.Н.Билолов, Ф.А.Бахриддинова, К.М.Имомалиева ва бошқалар ўз илмий изланишлари билан тиббий полимерлар синтези, биопарчаланувчан, биоэрувчан полимер таркибли дори воситаларини яратиш ва полимерларнинг тиббиёт амалиётида кенг қўллаш муаммоларини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда офтальмологик вирусларнинг кўпайиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган, биологик фаол моддаларни ўз ичига олган, токсик бўлмаган, полимер таркибли доривор кўз плёнкаларини олиш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш кам ўрганилган. Тозаланган натрий карбоксиметилцеллюлоза (Na-КМЦ) ва интерферон индуцирловчи, вирусга қарши хусусиятга эга полимер таркибли биологик фаол модда асосида кўз доривор плёнкаларини олиш таъсир муддати узайтирилган, терапевтик дозанинг доимийлиги таъминланган ва ножўя таъсирлари

камайтирилган янги авлод дори воситаларини яратиш истикболини юзага келтиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-11-15 рақамли “Вирус ва шамоллашга қарши плёнка шаклидаги оригинал “ГлазАвир” дори воситасини ишлаб чиқариш технологияси” (2015-2017 йй.); ИЗ-20170920233 “Кўзда учрайдиган вирусли касалликларга қарши нанотузилишга эга “ГлазАвир” дори плёнкалари технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш” (2018-2019 йй.) амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўзнинг вирусли касалликларини даволаш учун полимер таркибли оригинал доривор кўз плёнкаларини олиш, уларнинг физик-кимёвий, физик-механик, тиббий-биологик хоссаларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тозаланган Na–КМЦнинг турли сифат кўрсаткичларига эга намуналаридан плёнка олиш шароитларини аниқлаш ва доривор кўз плёнкалар олиш талабларига мос келадиган сифат кўрсаткичларни белгилаш;

таркибида турли миқдорда биологик фаол модда тутган доривор кўз плёнкалар олиш ва полимер асосда биологик фаол модданинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

доривор кўз плёнкаларининг тузилиши, физик-кимёвий, физик-механик ва тиббий-биологик хоссаларини ўрганиш ҳамда олинган плёнкаларнинг хоссаларига биологик фаол модда миқдорининг таъсирини аниқлаш;

доривор кўз плёнкасининг оптимал таркибини танлаш, доривор кўз плёнкаларининг тажриба намуналарини олиш ва уларнинг таркибидаги биологик фаол модда миқдорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

доривор кўз плёнкасининг ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва ушбу технологиянинг қайтарувчанлигига эришиш.

Тадқиқотнинг объекти – доривор кўз плёнкалари, турли алмашиниш даражаси ва полимерланиш даражасига эга Na-КМЦ намуналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – Na-КМЦнинг турли алмашиниш ва полимерланиш даражасига эга намуналаридан плёнка олиш шароитларини тадқиқ этиш, биологик фаол модданинг полимер таркибида шаклланиш қонуниятлари, доривор кўз плёнкаларини олиш шароитларини тадқиқ этиш олинган доривор кўз плёнкаларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва тиббий-биологик хоссаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда Фурье ИҚ-, УБ-спектроскопия, рентгенография, вискозиметрия, физик-механика кимёвий анализ усуллар, биологик фаол модданинг вирусга қарши активлигини аниқлаш ва бошқа физик-кимёвий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тозаланган Na–КМЦ ва биологик фаол модда асосида кўздаги вирусли касалликларни даволашга йўналтирилган нанотузилишли доривор кўз

плёнкалари олинган;

илк бор доривор кўз плёнкаларининг оптимал ўлчами, қалинлиги ва шакли ҳамда уларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва тиббий-биологик хусусиятлари аниқланган;

илк бор вирусли касалликларни даволашга йўналтирилган доривор кўз плёнкаларини ишлаб чиқариш усули ва технологияси яратилган;

илк бор доривор кўз плёнкаларининг экспериментал ҳайвонларда вирусга қарши фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда иборат:

доривор кўз плёнкаларининг оптимал таркиби, шакли ва ўлчамлари аниқланган;

доривор кўз плёнкалар ишлаб чиқариш усули ва технологияси яратилган ва мазкур усулнинг қайтарувчанлигига эришилган ҳамда ушбу технология асосида тиббий-биологик тадқиқотлар учун намуналар олинган;

доривор кўз плёнкалари таркибидаги биологик фаол модда миқдорини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

доривор кўз плёнкалари таркибидаги биологик фаол модданинг вирусга қарши фаоллиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Доривор кўз плёнкаларининг олиниши ва уларнинг физик-кимёвий, физик-механик ҳамда тиббий-биологик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида олинди. Тадқиқот натижалари асосида, кимёвий жараёнлар кинетикаси назариясига мувофиқ ҳолда ҳулосалар қилинган. Олинган илмий ва амалий натижалар республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор биоэрувчан полимер ва биологик фаол модда асосида таъсир муддати узайтирилган вирусга қарши юқори фаолликга эга оригинал доривор кўз плёнкаларининг олиш имкониятлари ўрганилган ва олинган намуналарининг “таркиби-тузилиши-хоссалари” ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган. Биоэрувчан полимер асосда биологик фаол модда нанозаррачаларининг шаклланиш қонуниятлари ўрганилган ҳамда кўз доривор плёнкасининг эриш жараёнида биологик фаол модданинг полимер асосдан ажралиб чиқиш кинетикаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, биоэрувчан полимер ва биологик фаол модда асосида кўз учун доривор плёнкалар олиш усулини яратиш, ушбу усулнинг қайтарувчанлигига эришиш ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйишдан иборат. Мазкур технология асосида кўздаги вирусли касалликларга қарши самарали таъсир қиладиган доривор кўз плёнкалар олиш имкониятлари кўрсатилган. Мазкур тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш кўзнинг вирусли касалликларини даволашда янги самарли дори воситаси ва даволаш усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Доривор кўз плёнкалари: олиниши, тузилиши, хусусияти ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўзда учрайдиган вирусли касалликларни даволашга йўналтирилган плёнка шаклидаги дори воситаларни олиш технологиясидан И-ФА-2017-6-1 сонли “Коллаген асосида «Биоплант» инъекцион препаратини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳасида биопарчаланувчан полимер плёнкалар олишнинг технологик босқичларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 28 октябрдаги 4/1255-2325-сон маълумотномаси). Натижада плёнка шаклидаги имплант инъекцион препарат олиш имконини берган.

биопарчаланувчан ва биоэрувчан табиий полимерлар асосида нанотузилишга эга, вирусли касалликларни даволашга йўналтирилган, плёнка шаклидаги оригинал дори воситаларини олиш ва тадқиқ этиш усуллари 011500212 рақамли “Баъзи турдаги кўз касалликларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришда офталмология амалиётида янги дори шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш” бўйича илмий тадқиқот ишида амалиётга жорий этилган. (Тошкент тиббиёт академиясининг 2020 йил 16 декабрдаги №03-3038-сон далолатномаси). Натижада амбулатор амалиёт учун янги даволаш усуллари ишлаб чиқиш имконини берган.

биоэрувчан табиий полимерлар танлаш ва уларнинг тузилиши, реологик хоссалари, плёнка ҳосил қилиш хусусиятлари ҳамда полимер асосда биологик фаол модданинг шаклланиш қонуниятлари “УНИТЕХПРОМ БДУ” унитар корхонасида амалиётга жорий этилган. (“УНИТЕХПРОМ БДУ” унитар корхонасининг 2020 йил 29 октябрдаги №10/900рақамли хати). Натижада полимер асосида янги шаклдаги дори воситаларининг тажриба намуналари олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий нашрларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари белгиланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг

устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Кўздаги вирусли касалликларни даволашга йўналтирилган дори воситаларининг олиниш усуллари ва уларнинг физик-кимёвий, физик-механик ҳамда тиббий-биологик хоссалари”** номли биринчи бобида кўздаги вирусли касалликларга қарши қўлланиладиган турли шаклдаги дори воситаларининг синтез усуллари ҳамда уларнинг физик-механик, физик-кимёвий хоссалари, тузилиши тавсифларига тегишли шунингдек, биологик фаол моддалар таъсир муддатини узайтиришда қўлланиладиган биоэрувчан полимерлар таҳлилига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Объектлар, доривор кўз плёнкалар олиниши ва тадқиқ этиш усуллари”** номли иккинчи бобида тозаланган Na-КМЦ эритмаларини тайёрлаш усуллари, доривор кўз плёнка олиш шароитлари, олинган доривор кўз плёнкаларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг физик-кимёвий тадқиқ этиш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вирусга қарши доривор кўз плёнкаларининг олиниши ва уларнинг физик-кимёвий, физик-механик ҳамда тиббий биологик хоссалари”** номли учинчи бобида тозаланган Na-КМЦнинг турли концентрацияли эритмаларини тайёрлаш, турли миқдорда биологик фаол модда тутган доривор кўз плёнкалари эритмаларини олиш, олинган эритмалар асосида плёнка олиш шароитларининг ўзига хослиги бўйича тадқиқот натижалари, олинган доривор кўз плёнкалари намуналарининг физик-кимёвий, физик-механик, тиббий-биологик хоссаларига тегишли маълумотлар келтирилган.

Маълумки, организмга киритиладиган дори воситасининг терапевтик концентрациясини бошқариш жуда муҳим ҳисобланади. Тиббиёт амалиётида, терапевтик концентрацияни юқори ва пастки чегара оралиғидасақлаш учун дори воситасининг такрорий қўллаш вақтини назорат қилиш қийин. Дори воситаси танага киритилиши билан аввал терапевтик концентрация кўтарилиб, кейин пасаяди. Кўпинча дори воситасининг терапевтик концентрацияси бироз муддат юқори чегарадан ошиб кетади ва дори воситаси соғлом органларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Маълум вақтдан сўнг эса дори воситасининг терапевтик концентрацияси пастки чегарадан тушиб кетади ва дори воситасининг самарадорлиги камайиб кетади. (Расм.1.).

Биз таклиф этаётган муаллифлик ёндашуви натижасида, таркибида биологик фаол модда пролонгация қилинган биоэрувчан полимер асосида янги шаклдаги дори воситалари яратилди ва уларни тиббиёт амалиётида қўллаш орқали юқорида келтирилган муаммолар ижобий ҳал этилди.



1-расм. Қуйимолекуляр ва полимер шаклдаги дори воситаларининг терапевтик концентрациялари ўзгаришининг вақтга боғлиқлиги.

Биоэрувчан вирусга қарши полимер таркибли плёнкалар шаффоф, эластик, овал шаклида ва қирралари силлиқ бўлиши керак. Бундай шаклдаги плёнкалар олиш учун дастлаб тозаланган Na-КМЦнинг сувдаги 1-3 %ли эритмалари тайёрланди, тайёрланган эритмалар гел фракция ва эримай қолган қисмлардан тозalandи ҳамда тозаланган эритмалар асосида плёнкалар олинди. Олинган плёнкаларнинг физик-механик хоссалари ва тозаланган Na-КМЦнинг алмашилиши ва полимерланиши даражаси ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди. (1-жадвал)

1-жадвал

Турли АД ва ПДга эга тозаланган Na-КМЦ асосида олиган плёнкаларнинг физик-кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлари

Na-КМЦнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари		Плёнка қалинлиги Na-КМЦ, мкм	Na-КМЦ плёнкасининг физик-механик кўрсаткичлари		Na-КМЦплёнкасининг тўлиқ эриб кетиш вақти (соат)
АД	ПД		МРа	ε, %	
0,62	210	40	36,2	4,3	2,0
	650	42	61,5	5,9	4,0
0,68	190	38	36,0	4,0	1,8
	630	40	61,0	5,5	3,8
0,75	180	41	35,8	3,8	1,6
	600	39	60,3	5,3	3,7
0,82	160	40	35,4	3,2	1,4
	600	42	59,3	5,0	3,4
0,87	150	40	35,0	3,0	1,2
	620	40	56,8	4,3	2,9

1-жадвалдан кўришиб турибдики, Na-КМЦнинг АД ортиши билан биоэрувчан плёнкаларнинг физик-механик кўрсаткичлари пасайиб боради. Бунга сабаб сифатида АД ортиши билан Кун сегментини камайиши ва полимер

таркибидаги карбоксиметил гуруҳлари сонининг ортишини келтиришимиз мумкин. Шунингдек Na-КМЦнинг АД ортиши билан ушбу плёнкаларнинг кўз ёши муҳитида эрувчанлиги ортади ва тўлиқ эриш вақти камайиб боради. Олинган натижалардан оптимал таркиб танлашда фойдаланилди.

Na-КМЦнинг 1-3 % ли эритмаларидан олинган плёнкаларнинг бўкиш даражаси, тўлиқ эриш вақти ва плёнка қалинлиги аниқланди. Эритма концентрацияси ортиши билан плёнкаларнинг плёнка қалинлиги ва эриш вақти ортди. Олинган натижалар таҳлили асосида Na-КМЦнинг 2 % ли эритмасидан олинган плёнкалар оптимал намуна сифатида танланди. Ушбу концентрацияли эритмалардан олинган плёнкаларнинг қалинлиги 40 ± 2 мкм, тўлиқ эриш вақти 3-4 соатни ташкил этади. Na-КМЦ эритмасидан тўғридан-тўғри олинадиган плёнкаларнинг физик-механик кўрсаткичлари паст бўлганлиги сабабли, ушбу плёнкалар доривор кўз плёнкалари олиш учун талаб этиладиган меъёрларга жавоб бермайди. Na-КМЦдан олинадиган плёнкаларнинг физик-механик ва эластиклик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида таркибида 0,1–1,0 % микдорда глицерин (пластификатор) тутган намуналар олинди. Олинган намуналарда пластификатор микдори ортиши билан узилиш ва чўзилиш мустахкамлиги ортиб бориши кузатилди. Буни плёнка олиниш жараёнида макромолекуланинг ориентацияланиши билан изоҳлаш мумкин. Олинган натижалар таҳлили асосида пластификаторнинг оптимал микдори танланди.

Кўздаги вирусли касалликларга қарши биоэрувчан доривор кўз плёнкалар олиш учун полимер асос сифатида тозаланган Na-КМЦдан фойдаланилганда, Na-КМЦнинг ишқорийлиги юқори бўлганлиги сабабли олинган кўз плёнкалари кўз суюқлиги билан мос келмайди ва кўзнинг конъюнктивал қопчасига салбий таъсир қилади. Шу каби жиҳатларга эътибор қаратган ҳолда, биз кўз суюқлиги билан мос келадиган рН қийматига эга бўлган Na-КМЦ плёнкаларини олиш имконияти кўриб чиқдик. Бунинг учун турли АД ва ПД қийматларига эга бўлган Na-КМЦ намуналари эритмалари хлорид кислотаси билан нейтралланди. Полимер эритмаси таркибида ҳосил бўлган натрий хлорид концентрацияси физиологик эритма таркибидаги NaCl концентрациясига яқин эканлиги аниқланди. Na-КМЦ эритмаларини нейтраллаш жараёнида таркибида карбоксиметил ва карбоксиметилат анион функционал гуруҳларидан иборат сополимерлар олинди.

Турли ПД ва АДга эга Na-КМЦ намуналаридан плёнкалар олинди. Олинган плёнкаларнинг физик-механик хоссаларига эритма рН кўрсаткичининг таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ПД-600 ва АД-0,82га тенг бўлган Na-КМЦ намунасининг рН кўрсаткичи 8,6 га тенг ва бунда полимер таркибида карбоксиметил гуруҳлари йўқ эканлиги ва рН кўрсаткичи 7,4 га тенг намунада карбоксиметилат анион гуруҳларининг микдори 60 % эканлиги потенциометрик титрлаш усули орқали аниқланди (2-жадвал).

Олинган натижалар асосида Na-КМЦ плёнкалари олишнинг дастлабки оптимал шароитлари таҳлил қилинди. Бунда қуйидаги таркиб: Na-КМЦ эритмаси концентрацияси – 2%; рН кўрсаткичи – 7,4; плёнка қалинлиги $40 \pm$ мкм оптимал деб олинди.

Na-КМЦ плёнкаларининг физик-механик хоссаларига эритма рН кўрсаткичининг таъсири

№	Na-КМЦ эритмасининг 2(%оли) рН кўрсаткичи	Карбоксил ва карбоксиметил анион гуруҳлар нисбати, %	Плёнка қалинлиги(мкм)	Плёнканинг физики-механик кўрсаткичлари		Плёнканинг физиологик эритмада бўқиш даражаси (60 дақ.)	Плёнканинг тўлиқ эриб кетиш вақти (соат)
				МПа	Е, %		
1	8,6	0:100	45	60,2	5,1	205,0	3,5
2	8,1	11:89	40	65,9	4,7	185,0	5,6
3	7,4	40:60	43	74,3	4,1	171,0	6,9
4	6,7	52:48	45	82,6	3,8	156,0	8,4

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида доривор кўз плёнкалар олиш ва уларни шакллантириш бўйича ишлар олиб борилди.

Бунда турли АД ва ПДга эга бўлган Na-КМЦ намуналаридан эритмалар тайёрланди ва олинган эритмалар таркибига турли миқдорда биологик фаол модда киритган ҳолда доривор биоэрувчан плёнкалар олинди (3-жадвал).


Таркибда турли миқдорда биологик фаол модда тутган доривор кўз плёнкаларининг физик-механик кўрсаткичлари

Тозаланган Na-КМЦ		Биологик фаол модда миқдори, %	Плёнка қалинлиги (мкм)	Узилиш мустаҳкамлиги (МПа)	Чўзилиш мустаҳкамлиги (%)	Тўлиқ эриш вақти (соат)
АД	ПД					
0,62	680	10	41	75,7	5,5	4,9
		20	42	69,1	5,3	6,2
		30	40	64,5	5,0	7,9
0,82	600	10	42	68,6	6,8	4,5
		20	41	62,8	6,5	5,7
		30	42	60,2	6,3	6,8

3-жадвалдан кўриниб турибдики, биологик фаол модда миқдори ортиши билан Na-КМЦнинг АД ва ПДга боғлиқ бўлмаган ҳолда плёнкаларнинг узилиш ва чўзилиш мустаҳкамлиги пасайиб борган. Шунингдек, тўлиқ эриш вақти ортиб борган.

Биологик фаол модда асосида зарур физик-механик хусусиятларга эга бўлган доривор кўз плёнкалар (ДКП) олиш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун ДКПдаги биологик фаол модда миқдорини тартибга солиш ва зарур физик-механик хусусиятларга эга плёнкалар тайёрлаш учун турли АД ва ПДга эга тозаланган Na-КМЦ намуналаридан фойдаланилди.

Маълумки, ЦелАгрип биологик фаол моддаси диалдегид Na–КМЦнинг полифенол-госсипол билан ҳосил қилган кимёвий бирикмаси ҳисобланади³.



Биологик фаол модда ва Na–КМЦнинг полимерланиш даражаси ва сувда эрувчанлиги бир-биридан фарқ қилиши полимер асосда биологик фаол модданинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу полимерлар эритмаларидан олинган плёнкалар зарур физик-механик хусусиятларга эга бўлади. Шунингдек, вирусга қарши хусусиятга эга бўлган биологик фаол моддасини полимер асосдан биологик суюқликка ўтиш тезлигини тартибга солиш мумкин.

ДКПларнинг физик-кимёвий хусусиятлари эрувчанлик даражаси, бўқиш даражаси ва ДКПларининг ИҚ- ва УБ-спектрлари билан баҳоланади (4-жадвал).

4-жадвал


Турли қалинликдаги ДКПларининг сифат кўрсаткичлари

(C Na-КМЦ 2,0 %, биологик фаол модда миқдори 20%)

Na–КМЦнинг кўрсаткичлари		Плёнка қалинлиги (мкм)	Бўқиш даражаси (%) (1 соат)	Тўлиқ эриш вақти (соат)
АД	ПД			
0,82	600	62	400	8,2
		51	320	6,9
		40	280	5,7

Юқорида айтиб ўтилганидек, тозаланган Na-КМЦнинг ишқорийлиги юқори бўлганлиги сабабли, олинган плёнкаларни тўғридан-тўғри ДКП сифатида қўллаш имконияти мавжуд эмас. Олинган плёнкаларни ДКП сифатида қўллаш учун уларнинг рН кўрсаткичлари кўз учун зарарсиз даражага келтирилиши керак. Бунда, ДКПнинг рН кўрсаткичлари кўз суюқлигига мос даражага келтирилди. Ушбу жараёнда NaКМЦ-НКМЦсополимери ҳосил бўлиши таҳлил қилинди. (2-расм)

³Патент РУз № IAP 04811 от 03.02.2010 // Соплимер натриевой соли карбоксиметилцеллюлозы и госсипола, обладающий активностью против вируса гриппа и острых респираторных вирусных инфекций, и способ его получения.



2-расм. ДКП намуналарининг ИҚ-спектрлари
 a. Na-КМЦ; b. Сополимер NaКМЦ-НКМЦ; c. Н-КМЦ

ДКП таркибида Na-Н-КМЦ сополимери бўлиши плёнканинг физик-механик хусуиятларини пасайтиради, лекин плёнканинг тўлиқ эриш вақтини узайтиради. Бу эса ўз навбатида ДКПларининг таъсир этиш муддатини узокроқ таъминлаб туриш имконини беради (1-расм). Физик-механик хусуиятларини эса пластификатор қўшиш орқали яхшилаш мумкин.

Доривор кўз плёнкалари таркибидаги биологик фаол модда миқдорини аниқлаш учун УБ-спектроскопия усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.




1-Na-КМЦ
 2-ДКП

3-расм. Na-КМЦ ва ДКПнинг УБ-спектри

3-расмдан кўриниб турибдики, ултрабинафша нурларнинг 200-450 нм. бўлган соҳасида Na-КМЦ плёнкалари оптик жиҳатдан шаффоф. Na-КМЦ плёнкаларидан фарқли ўлароқ биологик фаол модда тутган ДКП 245, 290 ва 372 нм. соҳаларда биологик фаол моддага ҳос максимум қийматларни намоён этади. Ушбу илмий натижалар асосида ДКП таркибидаги биологик фаол модда миқдорини аниқлаш усули ишлаб чиқилди.

ДКПларининг эриш жараёнида, дастлаб полимер асоснинг бўқиши содир бўлади. Ушбу босқич ўз-ўзидан содир бўладиган физиологик жараён бўлиб, биологик фаол модданинг полимер асосдан ажралиб чиқиши секинлик билан амалга ошади. Доривор кўз плёнкалари таркибидаги биологик фаол модданинг полимер асосдан ажралиб чиқиш кинетикаси бўйича тадқиқотлар ҳам УБ-спектроскопия усули ёрдамида олиб борилди. (4,5-расм)




4-расм. ДКП таркибидан биологик фаол модда ажралиб чиқишининг вақтга боғлиқлиги.

ДКП эритмаларининг оптик зичликлари ҳар соатда автоматик тарзда ўлчаб борилди ва эритма таркибидаги биологик фаол модданининг миқдори ва тўлиқ ажралиб

чиқиш вақти таҳлил қилинди. (4-расм). Олинган тадқиқот натижаларига кўра, ДКП эритмаларининг оптик зичлиги вақт ўтиши билан ортиб борди ва 24 соатдан кейин ўзгармасдан қолди. Бундан ДКП 24 соатгача терапевтик концентрацияни таъминлаб беради деган ҳулосага келишимиз мумкин.

Шунингдек, ДКП таркибидаги биологик фаол модданинг ажралиб чиқиш тезлигига рН кўрсаткичининг таъсири ўрганилди. (5-расм)




5-расм. Турли рН кўрсаткичларига эга ДКП таркибидан биологик фаол модда ажралиб чиқишининг вақтга боғлиқлиги

5-расмдан кўриниб турибдики, ДКПларнинг рН кўрсаткичлари пасайиши билан биологик фаол


модданинг ДКПдан ажралиб чиқиш тезлиги камайиб боради. ДКПнинг рН кўрсаткичи 8,2 га тенг бўлган намунада биологик фаол модданинг ажралиб чиқиш тезлиги энг юқори. Бу эса ДКПнинг таъсир муддатини етарлича узайтириш имкониятини камайтиради. Шунингдек, ушбу ДКПлари ишқорийлиги юқори бўлганлиги сабабли кўзга салбий таъсир кўрсатади. рН кўрсаткичи 4,3 га тенг бўлган ДКПлар етарлича шаффофликга эга бўлмаганлиги учун кўзнинг кўриш даражасига салбий таъсир қилади. Тадқиқот

натижаларига кўра, рН кўрсаткичи 7,6 га тенг бўлган ДКПлари энг мақбул намуна сифатида танланди. Ушбу ДКПлари кўзга салбий таъсир қилмайди, таъсир муддати етарлича узайтирилган ва оптик жиҳатдан шаффоф ҳисобланади.


Тадқиқотнинг кейинги босқичида ДКП таркибида биологик фаол модданинг шаклланиши ўрганилди.



а. Ўлчами 5-24нм. бўлган биологик фаол модда нанозаррачалари



б. Ўлчами 14-52нм. бўлган биологик фаол модда нанозаррачалари



с. Ўлчами 46-95 нм. бўлган биологик фаол модда нанозаррачалари

6-расм. ДКП таркибида биологик фаол модда нанозаррачаларининг шаклланиш электрон микрофотографияси.

а. 10%, б. 20%, с. 30%биологик фаол модда тутган ДКП.

Полимер асосдан фаркли ўлароқ, нисбатан кичик полимерланиш даражасига эга бўлган биологик фаол модда таркибида госсиполнинг катта ўлчамли гидрофоб хусусиятга эга бўлган қисмлари мавжуд. Шунинг учун, доривор кўз плёнкалари олинишининг қуритиш босқичида полимер асос структурасида биологик фаол модданинг нанозаррачалари шаклланади. Полимер асос ва биологик фаол модданинг эриш хусусиятлари бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, эрувчанлиги нисбатан яхши бўлган NaKMЦ

биологик фаол модда атрофини ўраб олади ва натижада агрегация жараёни содир бўлишига тўсқинлик қилади.

Таркибида турли миқдорда (10%, 20%, 30%) биологик фаол модда тутган КДП намуналарида нанозаррачалар шаклланишини ўрганиш мақсадида атом кучланиш микроскопияси (АКМ) усули ёрдамида тадқиқотлар олиб борилди (6-расм).

АКМ усули ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, КДП таркибида биологик фаол модданинг миқдори ортиши билан нанозаррачалар ўлчами ортиб боради. Бу жараёни қисман бўлсада агрегация бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Биологик фаол модда нанозаррачаларининг ўлчами КДПнинг тиббий-биологик ҳоссаларига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар асосида ўлчами 5-24 нм. бўлган нанозаррачалар тутган намунанинг (10%) терапевтик эффекти нисбатан пастлиги ва ўлчами 46-95 нм. бўлган нанозаррачалар тутган намунанинг (30%) токсиклик даражаси белгиланган меъёрлардан юқори эканлиги аниқланди. Шунингдек, ўлчами 14-52 нм. бўлган нанозаррачалар тутган намунанинг (20%) барча тиббий-биологик хусусиятлари кўз учун қўлланиладиган дори воситалари олиш учун қўйилган талабларга мос эканлиги бўйича ҳулосалар қилинди.

Доривор кўз плёнкаларнинг тиббий-биологик тадқиқотлари проф. Э.Билолов раҳбарлигида ЎзР ССВ Тошкент тиббиёт академиясининг, Офтальмология кафедрасида ва ЎзР ФА Иммунология институтида бажарилган.

Доривор кўз плёнкаларнинг кўз вирусига қарши фаоллигини Россия федерацияси ССВ академик Н.Ф.Гамалей номидаги Эпидемиология ва микробиология илмий тадқиқот марказида бажарилган.

Янги дори воситасини терапевтик самарадорлигини ўрганиш бўйича, тажриба ўтказишга тайёрланиш босқичида офтальмологик герпетик инфекциянинг модели яратилди.


Экспериментал (моделлаштирилган) герпетик кератитда КДПнинг вирусга қарши фаоллигини баҳолаш натижалари КДП янги дори воситаси қўлланган куёнлардаги ўртача ҳаёт давомийлиги (70 кун), 0,007% ли «Актипол» (45 кун) дори воситасини қўллаш билан анъанавий усулда даволанган куёнлардаги кўрсаткичдан 1,55 марта юқорилигини, патологияни ривожланишини (33,3 кун) назорат гуруҳи ЎХДдан 2,1 баровар кўплигини кўрсатди. Маълумотлар экспериментал герпетик кератитни даволашда КДПнинг самарадорлигини яққол намоён бўлганидан гувоҳлик беради.

Симптоматик белгиларни таҳлил қилиш асосида аниқландики, КДП 0,007% ли «Актипол» дори воситасига нисбатан солиштирилганда герпесли кератитдаги инфекция жараён фаоллигини пасайтиришда яққол ифодаланган самарани намоён этади. Бундан ташқари, КДП меъёрий иммунстимуловчи ва маҳаллий симптоматик даволаш самарасини кўрсатиши, бизнинг фикримизча КДП таркибидаги таъсир этувчи доривор моддани шиллик қават билан чегараланган юзадаги контакти ҳисобига юзага келади.

Диссертациянинг **“Вирусга қарши доривор кўз плёнкаларининг ишлаб чиқариш усуллари ва сифат ҳамда хавсизлик кўрсаткичларини баҳолаш”** номли тўртинчи бобида доривор кўз плёнкаларининг ишлаб чиқариш усули ва

технологиясини яратиш, ушбу усулнинг қайтарувчанлигига эришиш, шунингдек мазкур технология асосида тажриба-синов намуналарини олиш, ҳамда олинган намуналарнинг сифат ва хавсизлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари асосида доривор кўз плёнкалари ишлаб чиқаришнинг асосий принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди (7-расм).



1. Тозаланган Na-KMЦ тортиш учун тарози;
2. Дистилланган сув учун махсус ўлчов идиши;
3. Na-KMЦ эритмасини тайёрлаш учун реактор;
4. Na-KMЦ эритмасини филтрлаш узели;
5. Глицерин учун махсус ўлчов идиш;
6. Биологик фаол модда эритмасини тайёрлаш учун реактор;
7. Биологик фаол моддани ўлчаш учун тарози;
8. КДП эритмасини тайёрлаш учун реактор;
9. УТ – диспергатор;
10. Плёнка қўйиш ва қуритиш узели;
11. Кесувчи ускуна;
12. Флакonga қадоқлаш ускунаси;
13. ДКП стерилизация қилиш.

7-расм. Вирусга қарши активликка эга бўлган доривор кўз плёнкалари ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.

Хом-ашёни тайёрлаш ва тортишдан олдин хоналар ва жиҳозлар ишлаш ҳолатига келтирилади.

Дастлаб тарозида (1) керакли миқдорда тозаланган Na-KMЦ тортиб олинади. Реактор (3) зарур ҳажмда дистилланган сув (2) билан тўлдирилади ва тортиб олинган Na-KMЦ билан аралаштирилади. Кейин маҳсулот филтрланади (4). Олинган филтрат реакторга (8) жойлаштирилади ва глицерин (5) қўшилади. Ушбу жараёнга параллел равишда реакторда биологик фаол модда эритмаси тайёрланади (6). Олинган биологик фаол модда эритмаси филтрат солинган реакторга (8) қуйилади ва иккала эритма аралаштирилади. Олинган эритма ултратовушли дисперсаторда (9) дисперсланади. Кейинги босқичда, ДКП эритмаси плёнка қўйиш мосламасига (10) махсус бурамали ва қалинлигини бошқариш мумкин бўлган пичоқ билан қуйилади ва қуритилади. Олинган плёнка кесиш мосламасига (11) узатилади ва пластик идишларга қадоқланади (12), олинган ДКП УБ-спектроскопия усулида стерилланади (13) ва тайёр маҳсулот омборига топширилади.

ХУЛОСА

“Доривор кўз плёнкалари: олиниши, тузилиши, хусусияти ва ишлаб чиқариш технологияси” мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Доривор кўз плёнкаларини олиш шароитларини аниқлаш мақсадида тозаланган Na–КМЦ турли намуналаридан плёнкалар олиш усуллари ишлаб чиқилди. Олинган полимер плёнка намуналарининг физик-кимёвий, механик хоссалари ўрганилиб, доривор кўз плёнкалари олиш талабларига жавоб берувчи сифат кўрсаткичлари аниқланди.

2. Таркибида турли миқдорда биологик фаол модда тутган доривор кўз плёнкалар олиш усуллари ишлаб чиқилди. Бунда ДКП таркибида биологик фаол модда миқдори ортиши билан полимер асосда шакллланган нанозаррачаларнинг ўлчамлари ортиб бориши ва физик-механик кўрсаткичлари пасайиши бўйича хулосалар қилинди.

3. Доривор кўз плёнкаларининг тузилиши, физик-кимёвий, физик-механик ва тиббий-биологик хоссалари ўрганилди ҳамда олинган плёнкаларнинг хоссаларига биологик фаол модда миқдорининг таъсири аниқланди. Полимер асосда биологик фаол модданинг наноўлчамли заррачалари шаклланиш қонуниятлари ўрганилди. Бунда таркибида 20 % биологик фаол модда тутган намуналарда 14-52 нм ўлчамли нанозаррачалар шаклланиши аниқланди ҳамда ушбу намуналар юқори терапевтик хоссани намён қилиши бўйича хулосалар олинди. Шунингдек, биологик фаол модданинг полимер асосдан ажралиб чиқиш кинетикаси ўрганиш натижасида терапевтик концентрация давомийлиги 24 соатни ташкил этиши аниқланди;

4. Дориворкўз плёнкаларининг оптимал таркиби танланди. Олинган илмий тадқиқот натижаларига кўра, ДКПларининг мақбул кўрсаткичлари қуйидагича: плёнка шакли – узунлиги 7-9 мм, эни 4-6 мм, бўлган овал шаклда, плёнка массаси – 6 ± 1 мг, плёнка таркибидаги биологик фаол модда миқдори – 20 %, плёнка қалинлиги – 40 ± 5 мкм, доривор кўз плёнкасининг 1% ли эритмаси рН кўрсаткичи 7,4-7,6 эканлиги аниқланди. Шунингдек, доривор кўз плёнкалари таркибидаги биологик фаол модда миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди ва мазкур усул вақтинчалик фармакология мақоласига киритилди;

5. Доривор кўз плёнкасининг ишлаб чиқариш усули ва технологияси яратилди ва ушбу технологиянинг қайтарувчанлигига эришилди. Мазкур технология асосида клиникагача бўлган ва клиник синов тадқиқотлари учун етарли миқдорда ДКПларининг тажриба-синов намуналари олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ

ШУКУРОВ АКОБИРХОН ИБОДУЛЛО УГЛИ

**ГЛАЗНЫЕ ЛЕКАРСТВЕННЫЕ ПЛЁНКИ: СИНТЕЗ, СТРУКТУРА,
СВОЙСТВА И ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА**

02.00.05 – Химия и технология целлюлозы и целлюлозно-бумажного производства

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/T1506.

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Саримсаков Абдушкур Абдухалилович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор

Мирзохидов Хайрулла Абдуллаевич
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 76 . Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № ____ (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри 76, Тел. (99871) 241-85- 94)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.

(протокол рассылки № ____ от _____ 2021 года).

С.Ш.Рашидова

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.,
профессор, академик

М.М.Усманова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.х.н.,
старший научный сотрудник

В.О.Кудышкин

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире среди инфекционно-воспалительных заболеваний глаз кератит вирусной этиологии занимает особое место. По данным Всемирной организации здравоохранения 80-90% населения планеты инфицировано одним или несколькими типами вируса герпеса и наиболее часто встречается заболевание глаз этим вирусом, которое составляют около 62% всех офтальмологических заболеваний. Сегодня совершенствование лечения вирусных заболеваний глаз, создание лекарств нового поколения являются актуальными проблемами, стоящими перед химиками, фармакологами и медиками.

На сегодняшний день в мире проводятся исследования не только для создания новых лекарств, но и для улучшения типов определенных биологически активных веществ и способов применения этих лекарств, их доступности в организме и продолжительности действия. В современной медицине широко распространены препараты в виде полимерных биорастворимых пленок, которые продлевают действие препарата и в редких случаях являются уникальными. В офтальмологии имеет важное практическое значение снизить потребность в частом введении лекарства, продлить время контакта лекарства с глазом и создать биорастворимые полимерсодержащие офтальмологические, лекарственные пленки для глаз, с целью продления промежутка времени влияния лекарственного средства.

В Республике при разработке создания новых лекарств на основе местного сырья предпринимается широкий комплекс мер по организации научных исследований и развитию местной фармацевтической промышленности, и достигаются значительные результаты в создании новых полимерных форм лекарств. Стратегия действий¹ по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «Концепции развития науки до 2030 года²» ставит задачи «... увеличения производства фармацевтических препаратов ...». В связи с этим научные и практические исследования направлены на создание глазных лекарственных пленок, содержащих противомикробные препараты, для лечения вирусных заболеваний глаз, уменьшающих постоянное применение и инактивацию препарата, а также продление продолжительности действия, обеспечение стабильности терапевтической дозы и ограничение побочных эффектов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует решению ряда задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Президента Республики Узбекистан № УП-3532 от 14 февраля 2018 года «Ускоренное развитие

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

² Указу Президента Республики Узбекистан УП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года»

фармацевтической отрасли» Постановление Президента Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № ПП-4554 «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан по разделам: VI. «Медицина и фармакология» и VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

